

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

NT6212763240

1. Loyihaning turi : Xo'jalik Sharhnomasi
2. Loyihaning nomi: stroitelniye kraska etkazib berish
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Kogon tumani xalq ta'limi tomonidan 15.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Kogon tumani yuridik
markaz rahbari:**



Z.Y.CHORIYEV

15.11.2022

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси №

Кейинги ўринларда "Сотувчи" деб аталадиган "Master Brother" МСНД номидан Тогоев Б. устав/ишончнома/буйруқ ва х.к.) орқали бир томондан, кейинги ўринларда "Сотиб оловчи" деб аталадиган Когон туман Халк таълими булими номидан З.М.Кобилов иккинчи томондан қўйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Master Brother" МСНД Когон туман Халк таълими булимига (кейинги ўринларда - "Моддий-техника ресурслари" деб юритилади) етказиб бериш, "сотиб оловчи" эса уларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

"Моддий-техника ресурслари"нинг аник турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми хисобланган иловада келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Сотиб оловчи"нинг хуқуқлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Моддий-техника ресурслари" "Сотиб оловчи"нинг хисобига транспортда ташилганда "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини коплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги "Моддий-техника ресурслари" етказиб берилишини талаб қилиш;

зарур сифатга эга бўлмаган "Моддий-техника ресурслари" етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Моддий-техника ресурслари" шунга ўхшаш "Моддий-техника ресурслари" билан алмаштирилишини;

- камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Сотиб оловчи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Сотиб оловчи"нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган "Моддий-техника ресурслари"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

"Моддий-техника ресурслари"га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. "Етказиб берувчи" қўйидаги хуқуқларга эга:

Етказиб берилган "Моддий-техника ресурслари" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Сотиб оловчиидан талаб қилиш;

берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган "Моддий-техника ресурслари"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Сотиб оловчи"дан талаб қилиш.

2.4. "Етказиб берувчи" қўйидагиларга мажбур:

"Сотиб оловчи"га "Моддий-техника ресурслари"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Сотиб оловчи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш;

агар "Моддий-техника ресурслари"ни етказиб бериш жараёнида "Етказиб берувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Сотиб оловчи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 иш кун муддатда текин тузатиб бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 23400036(Йигирма уч миллион турт юз минг уттиз олти) сўмни ташкил этади.

Етказиб бериладиган "Моддий-техника ресурслари"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Маҳсулотни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни "Етказиб берувчи" кўтаради.

Маҳсулот "Сотиб олувчи"нинг транспорти билан етказиб берилган тақдирда "Етказиб берувчи" транспортда ташиш харажатларини унга коплади (идишни ҳам ўз ичига олган ҳолда амалдаги масса бўйича).

3.3. "Сотиб олувчи" етказиб бериладиган "Моддий-техника ресурслари" туркуми суммасининг 30 фоизи яъни 7020010(Етти миллион йигирма минг ун) сум микдорида олдиндан 2022 йил ноябрь ойида ҳақ тўлайди. Етказиб берилган "Моддий-техника ресурслари" учун қабул килиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин 10 кун муддатда узил-кесил якуний 70 фоизи яъни 16380026 (Ун олти миллион уч юз саксон минг йигирма олти) сум 2022 йил 31 декабргача хисоб-китоб қилинади.

3.4. Етказиб берилган "Моддий-техника ресурслари" учун 23400036 сум пул кучириш йўли билан нақд пулсиз тартибда хисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгаришишга йўл кўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Моддий-техника ресурслари" қабул килиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

Хисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана "Моддий-техника ресурслари"га ҳақ тўлаш бўйича "Сотиб олувчи" мажбуриятлари бажарилган сана хисобланади.

4.4. "Сотиб олувчи"нинг розилиги билан "Моддий-техника ресурслари" муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва "Сотиб олувчи" томонидан қабул қилинган "Моддий-техника ресурслари" учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган "Моддий-техника ресурслари" хисобига ҳақ тўланади ва улар хисобига ўтказилади.

4.5. "Сотиб олувчи" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган "Моддий-техника ресурслари"ни қабул қилишни рад этишга ҳаклиdir.

4.6. Назарда тутилган микдордан ортиқча бир номда "Моддий-техника ресурслари" етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган "Моддий-техника ресурслари" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган "Моддий-техника ресурслари"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Моддий-техника ресурслари" етказиб бериш "Сотиб олувчи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

4.7. Етказиб берилган "Моддий-техника ресурслари" бевосита "Сотиб олувчи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул килинади. Далолатномада етказиб берилган "Моддий-техника ресурслари" микдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.8. Мазкур шартномада назарда тутилган "Моддий-техника ресурслари" етказиб бериш мазкур шартномага мувофиқ ёки "Сотиб олувчи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Етказиб берувчи" Сотиб олувчиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

Буюртманома "Моддий-техника ресурслари"нинг тегишли туркумларини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул килишда "Етказиб берувчи"нинг ходими "Сотиб олувчи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда қабул қилинганлиги тўғрисида белги кўяди.

4.9. "Сотиб олувчи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Моддий-техника ресурслари"нинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгаришишга ҳаклиdir, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қиласди.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Томонлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб қолганлиги учун айбор томон бекор туриб қолганлик билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлайди. Бекор туриб колиши вакти томонлар ўртасида имзоланган далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

5.2. Етказиб берилаётган "Моддий-техника ресурслари" сифати, микдори "Етказиб берувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган

тақдирда "Етказиб берувчи" етказиб берилаётган "Моддий-техника ресурслари"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини хисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қиласи ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташкари "Сотиб оловчи"га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Агар етказиб берилган "Моддий-техника ресурслари"нинг сифати, ассортименти, навлари, техник регламентлар ёки стандартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбор томон етказиб берилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Моддий-техника ресурслари" кийматининг 20 фоизи миқдорида жирма тўлайди.

5.4. "Моддий-техника ресурслари" етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганилиги учун "Етказиб берувчи" "Сотиб оловчи"ка белгиланган устамалардан ташкари етказиб берилиши керак бўлган "Моддий-техника ресурслари"нинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташкари, "Етказиб берувчи" "Сотиб оловчи"ка "Моддий-техника ресурслари" етказиб берилмаслиги натижасида етказилган заарни тўлайди.

5.5. "Моддий-техника ресурслари"ни етказиб бериш кечикирилган ёки тўлик етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Сотиб оловчи"ка кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган "Моддий-техника ресурслари" кийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Моддий-техника ресурслари" етказиб бериш муддати кечикирилиши ёки тўлик етказиб берилмаслиги туфайли етказилган заарлар копланишидан озод этмайди.

5.6. Етказиб берилган "Моддий-техника ресурслари" учун ўз вақтида ҳак тўланмагандан "Сотиб оловчи" "Етказиб берувчи"га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.7. "Сотиб оловчи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Сотиб оловчи"ни жавобгарликка тортища шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) "Сотиб оловчи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Етказиб берувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

"Етказиб берувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Сотиб оловчи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган заар белгиланган тартибда "Етказиб берувчи" томонидан қопланади.

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик конунчилиги нормаларига мувофиқ кўлланилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равища ёхуд туман ҳалк таълими бўлими иштирокида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. КОРРУПЦИЯГА КАРШИ КОИДАЛАР

7.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ: - ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қиласликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур. -бир тараф коррупцияга карши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция бўйича кўлланиладиган Сиёсат ва Коидалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма равища хабардор қилган ҳолда бу Шартномани бекор қилишга ҳақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган пайтдан бошлаб Шартнома бекор қилинган хисобланади. Бундай ҳолда, биринчи тарафга етказилган барча заарни қоплайди

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома мазкур шартноманинг 8.4-бандига мувофиқ газначиликдан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб амалга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга яъни 31декабр 2022 йилга кадар амал қиласди.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири ва қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) "Сотиб олувчи" жойлашган жой бўйича Когон туман ҳалк таълими булимида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

X. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

«Етказиб берувчи»

“Master Brother”MCHJ


Манзил: Бухоро вилоят

тел\факс. +(998) 97 862-20-20

х\rп. 20208000005380949001
Банк номи: Бухоро ш “Трастбанк”
ХА банки Бухоро филиали
МФО 01187 ИНН 308424613

Рахбар:  Тогоев Б.
(Ф.И.Ш.) имзо _____

M.y



“Буюртмачи”

Когон туман Халк таълими булими
(бюджет маблагларини олувчи номи)

манзили: Когон т. Б.Накшбанд МФЙ
тел\факс: 99865-527-61-28
ш\xв 401522860062197096100075002
ОКОНХ 90290 ИНН 201172872

Молия вазирлиги Газначилиги
ЯГХ: 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲҚҚМ)
МФО 00014
Газначилик булинмаси СТИРи 201122919

Рахбар: З.М.Кобилов
(Ф.И.Ш.) имзо _____

M.y

Настоящее приложение является неотъемлемой частью

договору № 300-2-36-ХТ/2022-сон 15.11.2022 yil
заключенным между Когон туман ХТБ
“Master Brother”MCHJ

наименование организации)

СПЕЦИФИКАЦИЯ

“Master Brother ”MCHJ расч.счёт , 20208000005380949001 Бухоро ш “Трастбанк” ХА банки Бухоро филиали МФО 01187 308424613
Покупател: Когон туман Халк таълими булими ш./р 401522860062197096100075002 Банк Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ) МФО 00014 ИНН 201172872 ОКОНХ 92310

№	Наименование товара (продукции)	Ед. Измер	Колво	Цена	Сумма
1	Строительная краска	кг	1320	17727,3	23400036
ЖАМИ		x	x	x	23400036

Сумма 23400036 сум (Йигирма уч миллион турт юз минг уттиз олти)

сум

(Суз билан ёзилади)

Поставщик Покупатель

”

(наименование организаци

(подпись и Ф.И.О. р
руководителя)

М.п



Когон туман Халк таълими булими
(наименование организации)

З.Кобилов

(подпись и

Ф.И.О.

М.п

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.
Imzolovchi F.I.SH.	ZAFAR QOBILOV MUZAFAROVICH
Imzolangan sana	15.11.2022 13:31
Hujjat kodi	IK1510670688
Hulosa kodi	NT6212763240